

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ
В XXI ВЕКЕ И ЗНАЧЕНИЕ В НИХ
ИННОВАЦИЙ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори Хударган
Мавлонов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган**

**Республика илмий анжумани материаллари
(2021 йил 15 апрель)**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ В XXI ВЕКЕ И
ЗНАЧЕНИЕ В НИХ ИННОВАЦИЙ
МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская конференция, посвящённая к 75-летию профессора
кафедры биологии и методики её преподавания Хударгана Мавлонова
(15 апреля 2021 года)**

Жиззах-2021

УДК: 581.5 (09)

ББК: 28.58 Г

Э-59

“XXI асрда Биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари

Жиззах 2021. – 498 бет.

Таҳрир хайъати:, проф. п.ф.д. Ш.С.Шарипов, таҳрир хайъати раиси б.ф.н. доц. Қодиров Ғ., таҳрир хайъати ўринбосари проф., б.ф.д. Раҳмонқулов У. доц., б.ф.д. (PhD) Азимова Д.Э. б.ф.д. (PhD). Авалбоев О.Н. б.ф.д. (PhD). Абдуллаева Н.С. б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т. Усанов У.Н.

Тўплам редакторлари: б.ф.д.(PhD)., доц. Азимова Д.Э., б.ф.д.(PhD). Авалбоев О.Н., б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т.

Ушбу тўплам Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Республика илмий анжумани материалларидан иборат.

Уларда флора, систематика ва юксак ўсимликлар географияси, биологикхилма-хилликни ўрганиш ҳамда ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси, ўсимликлар қоплами, ресурсларини ўрганиш, структуравий ботаника, экология, интродукция, сув ва қуруқлик ценозлари ҳайвонларни ўрганиш, паразитлар ва энтомокомплекслари шакллантирувчи, ҳаракатлартирувчи тадқиқотларнинг замонавий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Мақолалар тўплами илмий ҳодимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахасислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида нашрга тавсия этилган.

шунга ўхшаш ўйинларни ўз вақтида ўтказиши ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириш ва билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайди. Ўқитувчи дарс берувчи эмас, балки ўқувчиларни муаммога йўналтирувчи, тадқиқот фаолияти маслаҳатчиси, ташкилотчиси ва мувоффиқлаштирувчиси дир.

У ўқувчининг мустақил фикрлаши учун шароит яратади ва уларни ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Ўз навбатида ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда ўқитиш жараёни ва унинг натижалари учун масъулиятни тақсимлаш орқали ўқиш жараёнининг тўлақонли иштирокчиларига айланади.[2]

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гофуров А. Т., Толипова Ж. Умумий биологияни ўқитишнинг норасмий усул ва шакллари. Т., 2012 й
2. Ж.О.Толипова. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. Т., 2011.

СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА – ЭКОТУРИЗМ СОҲАСИ ОРҚАЛИ ЭКОЛОҒИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Холбутаев Ш.

Жиззах давлат педагогика институти

Биология таълимида дарс, экскурсия, уй ишлари, дарсдан-синфдан ташқари машғулотлар, ижтимоий-фойдали меҳнат каби ўқитиш шакллари билан фойдаланилади.

Ўқитувчи таълим жараёнида ўқитиш шакллари билан оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги гоёлар билан бойитишни пухта билиши лозим.

Синфдан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида биология ўқув дастуридан ўрин олган мавзуларни кенгайтириш ва тўлдириш мақсадига йўлришилган дарсдан ташқари ўтказиладиган ихтиёрий ўқитиш шаклидир.

Ўқувчиларнинг фан асосларини чуқур ва мустақкам ўзлаштиришларига эришиш, қўшимча ўқув адабиётлари, кўрғазмалар воситалар ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш, белгиланган мавзулар бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган таълимни ташкил этиш, уларнинг ижодий қобилиятлари, мустақил ва мантикий фикрлашини ривожлантириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўллаш, ўқувчиларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол гоёсини сингдириш, ўқишни унумли жисмоний ва ақлий меҳнат билан узвий боғлаш мақсадида биологиядан синфдан ташқари машғулотлар ўтказилади.[1]

Биологиядан ташкил этиладиган экотуризмлар ёшларни воҳамизнинг энг гўзал жойлари билан таништириш мақсадида ташкил қилинаётган ишлардан биридир. Экотуризм ўзининг таърифини изоҳлашда биринчи навбатда табиат қўйнида бўлиб, унинг ресурсларига озор етказмасликни таъминлайди. Табиат ва унинг биологик хилма-хиллик ресурсларидан завқ-шавқ олган инсонда албатда, бу объектни асраш истаги пайдо бўлади. Шу билан бирга экологик туризм ривожланишига сабаб бўлган

бошқа сабаблар ҳам бор. Жумладан экологик инқирознинг сайёравий тус олганлиги инсониятни тобора ташвишга солмоқда.

Экологик муаммоларнинг дунё миқёсида хаддан ташқари огирлашиб келаётганлиги замирида табиатнинг ўзини-ўзи тиклаш кучи пасайиб бораётганлиги, унинг ресурслари камайгани, атроф муҳитнинг ифлосланиб, захарланиб бораётганлиги, инсониятнинг бир меъёردа соғлом яшашиги табиат тўлиқ шароит ярата олмаётганлиги ётади. Шунинг учун ҳам Бутун Жаҳон Туризм Ташкилотларининг - “Табиий ҳудудларга маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида экотуристлар фаолияти табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилади” - деган таърифи биринчи навбатда халқнинг ижтимоий ҳолатининг яхшиланишига қаратилган. Бу ҳақда табиатнинг тобора заифланиб бориши ҳам экотуризмда табиатни асраб қолиш гоёларининг кучини ошириб боради. Шу нуқтаий назардан экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланиши экотуризмнинг ривожланишини таъминлайди.

Ўсиб – улгайиб келаётган ёш авлодни маънан камолга эриштирмасдан туриб, табиат ва жамиятни авайлаб асраш тўғрисида гап сўз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир педагог маънавий жасоратни амалга оширадиган ёшларни тарбиялашга кодир бўлиши керак.

Бу борада Эрк ва озодлик йўлида энг буюк жасорат кўрсатган миллий қахрамонларимиз Тўмарис, Широқ, Спитамен биз учун ибрат бўла олади. Инсоният тараққиёт йўлларини белгилаган буюк кашфиётлар, одамларни руҳан покланиш, қалбан улгайишга даъват этган фан, маданият, санъат ва адабиёт ва бошқа бунёдкорлик дурдоналари ана шундай маънавий жасорат меваларидир. Сукрот яратган илм, унинг инсон ва жамиятга доир фалсафаси мана қарийб 2,5 минг йил мобайнида Шарқу Ғарб алломаларини руҳлантириб келмоқда. Унинг ҳаёти ва ўлими тарихи инсон руҳий қувватининг чинакам рамзига айланган. Одоб ва ахлоқни фалсафий теран тадқиқ қилган Сукрот ҳокимият томонидан айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилади. Шогирдлари унга қамоқдан қочиб жонини сақлаб қолишни таклиф этишганда, у бундан воз кечади. Сукрот учун қамоқдан қочиш ўзи тарғиб қилган ва ўзи бутун умр риоя этган қоидаларга, Ватанга хиёнат бўлар эди. Зеро, унинг қатъий фикрича, ҳар қандай, ҳатто энг юксак ва адолатли мақсад ҳам, унга эришмоқ йўлидаги паст ва жиноий воситаларни оқламайди. Шарқу Ғарб илмининг ривожига кучли таъсир ўтказган, Шарқ илм-фананда “устоди аввал” (биринчи муаллим) деган шарафли ном олган Афлотун нафақат илм-фан, балки маънавий жасорат бобида ҳам Сукротнинг муносиб шогирди бўлди. Инсониятнинг бугунги тараққиёт даражасини Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей, Кампанелла каби олимларнинг кашфиётларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ваҳоланки, черков тазйиқларига учраган Ж.Бруно жонини сақлаб қолиш учун ўз кашфиётидан воз кечса, тавба қилса бас эди. Аммо у бундай қилмади ва ўтда куйдирилди. Худди шундай, ўнлаб Европа алломалари жаҳолат қурбонлари бўлишди.

Марказий Осиёда ҳам юзлаб ана шундай энг буюк жасорат соҳибларини санаб ўтиш мумкин. Масалан, Хоразм Маъмун академиясида фаолият кўрсатган Абу На ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби алломаларнинг фидойилиги туфайли Шарқ зиё масканига айланди. Уларнинг илмий кашфиётлари, машаққатли меҳнат ортида яратган асарлари жаҳон илм-фанининг ривожига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилди.

Илохий ишқ йўлида энг буюк жасорат кўрсатган Мансур Ҳаллож, Насимий, Машраб кабиларни бугунги авлод ёдидан чиқармайди. Эл-юрт мустақиллиги йўлида ўз жонини фидо қилган Нажмиддин Кубро ёки Жалолиддин Мангубердиларнинг жасоратисиз, мамлакатни ривожлантириш, давлатни мустаҳкамлашга умрини бахшида этган Амир Темурсиз, халқ фаровонлиги, жамият барқарорлиги ҳақида қайгурган Алишер Навоийсиз, Ватан ишқи билан буюк салтанатни яратган Заҳириддин Муҳаммад Бобурсиз ўзбек халқининг тарихи ва буюк келажагини тасаввур этиш мумкин эмас.[2]

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, биз ана шундай буюк сиймолар томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасоратларни ёшларга синфдан ташқари машғулотлар орқали ўргатишда, улар қўним топган қадамжоларга ташриф қилиш, жойларни ободонлаштириш, тоза тутиш орқали экологик маданиятни тарғиб қилиб борамиз. Инсон ҳаётида шундай дамлар бўладики, шахсий дард-аламлар юки уни эзиб ташлайди, рухий ёки жисмоний дарддан дунё қоронгу бўлиб кетади. Бундай пайтларда фақат катта юрак, буқилмас ирода эгаларигина ўзини унутишга қодир бўлади.

Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш баркамол шахсни камолга етказиш борасида олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишларнинг асосий таркибий қисми эканлигини назарда тутиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Толипова Ж.О., Ғофуров А. Т. Биологияни ўқитиш методикаси. Тошкент.: Шарқ.- 2011, - 148 бет.
2. Пардаев М.Қ., Атабозев Р. Туризм асослари. СамИСИ, Самарқанд 2006.

THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS

**Karimov U.U., Karimova G.Yi.,
Fergana State University**

In the process of reforming the development of a new society in Uzbekistan, it is important to study the theoretical and practical aspects and experiences of the creation of the foundations of civil society in different countries of the world at different levels and periods.

As we know that at present interactive methods, innovation technologies and information technologies have been on of important tasks in integrating in education and teaching. Because modern technologies help the youth to gain knowledge, to learn independently, to analyze and make conclusions on the knowledge they gained. "Educating young people in the spirit of patriotism and respect for our national values, protection from various ills and threats, increasing the effectiveness of propaganda work is one of the pressing problems of today. The rapid development of Information Technology and globalization processes are setting new tasks in the areas of human factor, education, new pedagogical technology"[5, 3].

The genesis of socio-cultural technologies in scientific management of society is the development of science, the rise of human thinking and scientific knowledge. The solution of

	OLAM” VA “TABIATSHUNOSLIK” DARSLARIDA IJODKORLIKNI SHAKLLANTIRISHDA TRIZ TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH...	94
34	BOSHLANG’ICH SINFLAR O’QUVCHILARI IJODIY FIKRLASH QOBILİYATINI SHAKLLANTIRISH USULLARI.....	96
35	Ergasheva N.E., Sodiqova M.Sh. INTERFAOL USULLAR ORQALI O’QUVCHILARDA MUSTAQILISHLASH MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH.....	98
36	Jabbarova Z. O. Islamova N. BOSHLANGICH TA’LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH YO’LLARI.....	101
37	Almamatova Z.X, Esankulova D. S. Aliqulova S. T. EKOLOGIK MADANIYAT VA MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYANING MUHIM JIHATLARI.....	103
38	Murotova G.N., Ismatullayev O. KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYA CHET TILLAR BO’YICHA EGALLANGAN BILIM, KO’NIKMA VA MALAKALARNI MULOQOT JARAYONIDA QO’LLASH QOBILİYATIDIR.....	105
39	Mustafaqulova D. I., Ismatullayev O., Azamova M. A. BIOLOGIYA DARSLARIDA “DOMINO” METODIDAN FOYDALANISH.....	108
40	Раббимова Ф.А., Абдумурадова Д.У. ПОЗНАНИЕ ЭСТЕТИЧЕСКОЙ ЦЕННОСТИ ПРИРОДЫ.....	110
41	Жулбоев Т.А., Убайдуллаева З., Абдувалиева К.Х, Султонов М.М. КИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШДА CROCODILE CHEMISTRY ДАСТУРИДАН FOYDALANISHNING ISTIQBOLLI USULLARI.....	112
42	Imomov O. N., To’xtaboyeva Yu.A. TA’LIMDA YEVROPA OLIY O’QUV YURTLARINING INNOVATION TAJRIBALARI (Polsha misolida).....	116
43	Раббимова Ф.Т., Жўраева Л. БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ RIVOJLANTIRISHNING AMALIYATDAGI HOJATI.....	118
44	Shaymatov S.R., Maxammadiyev D.M., Pardaboyev S.B. O’QUVCHILARGA EKOLOGIK TA’LIM – TARBIYA BERISH.....	122
45	Rabbimova F.T., Djamalova V. BOTANIKA DARSLARIDA RA’NODOSHLAR OILASINI O’QITILISHIDA ESTETIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH.....	125
46	Toshpo’latov O. INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING TA’LIMDAGI O’RNI.....	127
47	Раббимова Ф.Т., Тошпўлатов О. БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ RIVOJLANTIRISHNING PEDAГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	132
48	Кубакова К. К., Остонов Ш. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН FOYDALANISH.....	135
49	Холбутаев Ш. СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА – ЭКОТУРИЗМ СОҲАСИ ОРҚАЛИ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ	